ИБРАТ, УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ШАХС АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТИГА ТАЪСИРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Абдурасул Амонлаев – Жиззах ДПУ кафедра мудири, ф.ф.н., доцент
Матлуба Сувонқулова– Жиззах ДПУ 2-босқич магистранти

Аннотация

Мазкур мақолада ибрат,унинг шаклланиши ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиниб,ибратнинг ахлоқий категория сифатида шахс маънавий камолатида тутган ўрни баён қилинган.

Калит сўзлар:Ибрат, илм, ахлоқий қадриятлар, миллий урф-одат, анъаналар, ҳикматлар, феъл-атвор, дунёқараш.

Аннотация

В данной статье рассматривается категория примерности в социально-филосовском ракурсе, примерность как нравственная категория в моральном развитии личности.

Ключевые слова: Образцовое поведение, примерность, наука, нравственные ценности, национальные традиции, предания, характер, мировоззрение.

Annotation

This article examines the category of exemplaryness from a socio-philosophical perspective, exemplaryness as a moral category in the moral development of the individual.

Key words: Exemplary behavior, exemplary behavior, science, moral values, national traditions, legends, character, worldview.

Бугунги тараққий этган анъанавий давлатлар турмуш тарзига, ҳаёт даражасига, иқтисодий ривожланиш кўламига назар ташласак улар ўзларининг тарихий, миллий урф-одатлари, қадриятлари, дунёқарашлари ва диний эътиқодлари ўз миллий менталитетига мос равишда давлатчилик тизимини яратганлигининг гувоҳи бўламиз. Ана шу маънода биз бугун "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" дадил одимлаётган эканмиз мамлакатимиз ривожи, ҳалқимиз истиқболи нафақат моддий-иқтисодий омилларга, балки маънавий -аҳлоқий омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини ҳам чуқур ҳис қилмоқдамиз.Шу боисдан ҳам Янги Ўзбекистон шароитида тарихий хотирани уйғотиш, унутилаёзган миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклашга бўлган эҳтиёж давр руҳига ҳамоҳанг тарзда кишиларимиз дунёқараши, ақл-шуурига сингиб бормоқда. Ана шу янгиланишлар замирида эса жамиятда амалга оширилаётган муайян маънодаги маънавий ислоҳотлар ўз таъсирини ўтказаётганлиги турган гап.

Эндиликда халқимизнинг ахлоқий қадриятларимиз, миллий урф-одат, анъаналаримиз, инсоний фазилатлар такомилига хизмат қиладиган ихлос, ибрат каби ўзбекона тушунчалар моҳиятини теран англаш, унинг маънавий қудрати, тарбиядаги таъсирчан кучини қалбдан ҳис қилишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Азалий миллий қадриятларимиз, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган одоб-ахлоқ қоидаларининг бутунлай йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида, маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ғоят бирламчи вазифамиздир”[1,276].

Шу боисдан ҳам, ибратга муносабат жамиятимизнинг оддий фуқароларидан тортиб, олиму фузалоларигача бўлган барча аҳолини, мустақил фикрлаш, мушоҳада қилиш маданиятига эга бўлган кишиларни қизиқтирадиган масалага айланди, десак хато қилмаймиз.

Бинобарин, телевидение, радио, оммавий ахборот воситаларидаги ижтимоий соҳа, маънавият, маърифат, ахлоқ масаласидаги мавзуларда у ёки бу даражада воқеликдаги ҳодиса-жараёнлардан ибрат олишга даъват этилаётганлиги ҳам айни ҳақиқатдир.

«Гўдак, – деб ёзади М.Имомназаров, – ёруғ дунё юзига келиб, яшаш ишқи билан ҳаётга интилар экан, ишни ибратдан бошлайди, она ибрати, ота ибрати, акалар ва опалар, бувилар ва боболар ибрати билан воқеликка ўз муносабатини шакллантира бошлайди»[2,79].

Демак,ибрат инсон дунёқарашида мазмун касб этиши учун аввало у фикрлаш, тафаккур қилиш, мушоҳада асосида воқеликдаги ҳодисаларга муносабат билдира олиши зарур. Ахлоқий қадриятларимиз, миллий-маънавий маросимларимиз шахс тарбиясида, унинг ижтимоийлашувида ибрат манбаи ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ибрат аниқ ижтимоий-фалсафий, ахлоқий категория бўлса-да, у бир қатор мураккаб тарихий, маданий, маънавий жараёнлар билан боғлиқлигини инобатга олиб таъриф бериш муҳим ҳисобланади.

Шу ўринда ибрат нима, унга қандай таъриф бериш мумкин, деган савол туғилади.

Ибрат тушунчасига илмий адабиётларда бир қатор таърифлар берилган. Жумладан:

1. Ибрат (арабча) – ўгит, панд-насиҳат, ўрнак.[3,170]

2. Ибрат одамлар учун намуна, ўрнак бўладиган иш -ҳаракат, воқеа, ҳодиса [4,312].

3. Ибрат бу – аввало ота-она намунаси ва аждодлар ўгитидан, миллатимиз ва халқимиз ҳамда қадриятлардан, шарқона бебаҳо фазилатлардан, ахлоқ-одоб меъёрларидан ўрнак олиш ва уларни ҳар бир кишининг ўз табиати ва маслагига сингдира олиш меъёридир [5,45].

4. У.Жеймс ибрат ва қадр-қиммат масаласи хусусида: «Ўзимиз билиш фаолиятимизда ҳам ижодкормиз. Инсон дунёдан ибрат олиб, янги ҳақиқат яратади» [6,31], – деб ёзади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб ибрат тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Ибрат – инсон ва жамият ҳаётида табиий жараёнлар, ижтимоий ҳодисалар, диний, ахлоқий, бадиий қадриятлар шаклида шаклланган, авлоддан-авлодга ўтиб, ҳар бир муайян шахс руҳиятига сингиб, ундаги инсоний фазилатларга сайқал берадиган ҳикматлар, анъаналар, қадриятларни ақлу заковат, фаҳм-фаросат уйғунлигида англашга бўлган табиий маънавий эҳтиёж мужассамидир.

Ибратнинг шаклланиши ва ижтимоий аҳамият касб этиши одамзоднинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши билан боғлиқ. Одамлар ҳаётга мослашиш, ўтроқ ҳаёт қурабошлагандан буён улар орасида индивидуал ва ижтимоий муносабатлар шаклангандан сўнг ибрат одамлар ва ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги сон ва сифат фарқларини белгиловчи, куч ва имкониятлар белгиси сифатида қарор топади. Кимнингдир жисмоний жиҳатдан эпчил, бақувват бўлиши, кимнингдир мерган ва меҳнаткаш бўлиши, бошқаларнинг тадбиркор ва тажрибали бўлиши аста-секин ибратнинг ахлоқий меъёр сифатида шаклланишига олиб келган.

Натижада халқ тараққиёти, ижтимоий муносабатларда ибрат одамлар, халқлар, фаолият турларининг олдинга қараб ривожи, маънавий идеалига мадад берувчи тушунчага айланган. Ким бўлмасин, қайси соҳа ёки фаолият тури бўлмасин ижобий ва маънавий тажриба, билим ва фазилат сифатида ибрат ахлоқий тушунча мақомини олган. Шу тариқа ибрат одамлар орасидаги инсонийлик ва улуғворлик, донолик ва комилликни кўрсатувчи, одамларнинг мураккаб ижтимоий тажрибасида уларни тўғри йўлга бошловчи фазилат, ўгит, билим, тажриба ва идеал сифатида ижтимоий-тарихий аҳамият касб этган.

Ибрат тушунчасининг шаклланиши ана шундай ижтимоий-тарихий тажриба ва инсон маънавиятини юксалтириш омили сифатида алломалар, ўз касби ва фаолиятининг, ахлоқу одобнинг мезони, инсонни юксакликка чорловчи маънавий куч-қудрат бўлиб шаклланган.

“Авесто”да зикр этилган яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш натижаси ҳам ибрат орқали ўлчанади. Яхшилик – ибрат, ёмонлик ҳам ёмонлик қилмасликка ибрат.

Ибрат тушунчаси ва аҳамияти, айниқса, Шарқ мутафаккирлари томонидан, ислом динида ахлоқий тушунчанинг ўзига хос хусусияти тарзида талқин этилади.

Масалан, Шарқда устози Соний мартабасига эришган аллома Абу Наср Фаробий ёзганидек: «Илмларнинг афзали – ҳикмат мавжудотларнинг мукаммал «ҳокимлари»дир. Инсоннинг билиш фитрати «(инетицити) энг яхши илмлар воситасида тафаккур қилади ва борлиқнинг мазмунини кашф қилади» [7,24]. Демак, илм аҳли, билимли бўлиш ибрат тушунчаси шаклланишида дастлабки омил ҳисобланади.

Илмли шахс, инсон учун ибрат манбаи ва маънавий идеал сифатида кўзга ташланиб, шахснинг ўзини англаб етишига, имкониятларини ишга солишга ундайди. Ана шу маънода буюк шахсларнинг наинки аҳамияти, балки ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати авлодлар учун ибрат бўлади. Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринли: “Мен ёшлигимдан академикни кўрсам, илмнинг одамини кўрсам, ниҳоятда ҳавасим келарди. Уларнинг муҳити бошқа, уларнинг маданияти бошқа. Бу ажойиб инсонлардан ўргансак, ёшларимизга уларни ибрат қилиб кўрсатсак, ўйлайманки, ҳеч қайсимиз кам бўлмаймиз”[8,86].

Агар ёшларда ибрат туйғуси заиф бўлса, уларда таълим олишга, ҳаётда ўзига муносиб ўрин эгаллашга иштиёқ суст бўлади. Ана шуларни ҳисобга олиб, Фаробий аввал ёшларни тарбиялаб, меҳнат қилишга ўргатиб, касб-ҳунарни билдириб, кейин таълим бериш лозим, деб таъкидлаган.

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим») асарида илм-маърифат, одоб, ахлоқ, давлатни бошқариш йўл-йўриқлари, миллий-маънавий қадриятлар улкан ибрат хазинаси эканлигини уқтиради.

«Қутадғу билиг»да ҳазрати инсоннинг ижтимоий моҳияти, хислат ва

фазилатлари, қадр-қиммати, одоб-ахлоқи, маданияти-маърифати, барча мавжудотлар ичра буюк ва бебаҳолиги, унинг илм ва илмли шахслардан ибрат олишига боғлиқлиги фалсафий талқин этилган. «Одамзод насли аслида ер юзидаги барча жонлилар

орасида энг улуғидир, аммо бу улуғлик билим билангина тўлиқлик, мукаммаллик касб этади» [9,45], – дейилади китобда.

«Қутадғу билиг»да уқтирилишича, билим ва заковат – ўғри ўғирлаб ололмайдиган тенгсиз жавоҳирдир. Билим ва заковат асло соҳибини камбағал қилмайди. Киши билим билан юксалади, қадр-қиммат топади. Кимда билим бўлса, у – асл. Чунки билим кишини қашшоқ қилмайдиган битмас-туганмас бойликдир. Шунинг учун илмга интилмоқ ва илмни шахслардан ибрат олмоқ инсон фазилатлари, ахлоқу одобининг оинаси ҳисобланади.

Ибратдан мақсад яхши ва баркамол инсон бўлиш. Бунинг учун шахс ўзини ўзи англаши, бошқалар олдидаги бурчи, масъулиятини теран ҳис қилиши зарур. Бунинг учун у тўрт мақомни босиб ўтиши керак: Хайрли сўз, хайрли иш, хайрли хулқ, маърифат. Инсон бу фазилатларга ибрат орқали эришиши мумкин. Бунинг учун инсон ўзини ўзи яхши билиши, тафтиш этиши керак. Чунки эслатилган тўрт мақом, аввало, инсоннинг ўзида мавжуд: «….. сенда аввал бошдаги ва охиридаги илму маърифат яширинган, нимаики изласанг, ўзингдан изла, нега ташқаридан қидирасан?»[10,45] - деб ёзади мутассаввуф шайх Азизиддин Насафий.

Насафий қарашида ибрат йўли – эзгуликда. «Шундай йўл тутгинки, – деб уқтиради Насафий, – қалбинг саховат ва ҳикматга тўлган бўлсин, эзгулик соҳиби бўлгин…. Қалбинг ҳақгўйлик (ростлик) ва эзгулик билан безансин… токи инсон деган улуғ номга муносиб бўлсанг, дўзах азобларидан қутуласан… Сенинг ҳақиқатинг (моҳиятинг) тўғрилик ва хайрли ишлар ижод қилиш бўлсин».

Шарқ мутафаккирлари ибратни кенг ва чуқур талқин қилган. Улар кишининг маърифатлилиги, орифлиги сўзида, кўзида, юзида, муомаласида, ахлоқу одобида, саъй-ҳаракатларида, яратувчилик фаолиятида, бутун борлиғида намоён бўлади, деган таълимотни илгари сурдилар.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳар бир инсон ўзини ўраб турган табиат, ижтимоий муҳит, оила, жамоа ва жамиятдаги жараёнлар, ҳодисалардан ҳикмат қидиришга интилмоғи, ибрат олмоғи лозим, бунинг учун кишининг онги, билими, тафаккури, маънавий-ахлоқий савияси юксак бўлмоғи зарур. Халқимизнинг «Иллат излаганга иллатдир дунё, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё» деган ибораси ибратга яққол мисол була олади.

Ибрат ҳақидаги тушунча, тасаввурлар наинки аждодлар хотираси ва замонавий юксак илму маърифат билан, шунингдек, ҳикматлар дурдонаси сифатида халқ оғзаки ва ёзма ижодиётида муҳрланиб боради.

Ҳикматлар туфайли инсонлар ўтмиш билан, аждодлари билан ҳамнафас бўлади, уларнинг ўгитлари, панду насиҳатлари, чақириқлари, огоҳлантиришлари замирида қандай фалсафий ғоя, ҳаётий сабоқлар ётганини идрок этади, улардан ўзи учун муҳим ҳаётий хулоса чиқариб, ибрат олади. «Ҳикматли сўзлар, мақоллар биз учун асрлар садоси, узоқ ўтмиш билан ҳамнафаслик ҳиссини уйғотувчи мангу чақириқ, замонлараро кўприкдир…

Ҳикматли сўзлар, мақоллар ҳеч бир Президент муҳрламаган қонун, ҳеч бир давлат томонидан битилмаган Конституциядир»[11,3]. Ҳикматлар – ибрат қомусидир.

Халқ ижодиётининг ўзига хос шакллари бўлган ҳикматли сўзлар ва ибораларда ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларидан тортиб оилавий ҳаёт масалаларигача ўз инъикосини топган.

Уларнинг қайси бирини олиб қарамайлик, ҳар бирининг мағзига халқнинг асрий ҳаёти, тарихий тараққиёт йўли, турмуш тарзи, миллий урф-одатлари, анъаналари, маданияти, феъл-атвори, дунёқараши сингиб кетганини кўрамиз. Ана шунинг учун ҳам ибрат муаммосининг моҳиятини халқ ҳикматларисиз очиб бериш мушкул. Ўз навбатида ибратнинг шахс амалий фаолиятида юксак инсоний фазилатларнинг шаклланиш асоси бўлиши учун энг аввало муайян шахснинг фаҳму фаросати, ақлий зукколигига кўп нарса боғлиқ.

Ислом бини назариётчилари инсоннинг ақл-заковати унинг амалий фаолияти билан бевосита боғлиқлиги, бу алоқадорлик механизмини такомиллаштириш йўлларини излаганлар. Хусусан, эронлик машҳур файласуф Жалолиддин Девонийнинг (XI аср) «Нур

ул-Ҳидоя» асарида таъкидланишича, инсоннинг барча ҳаракатлари, қилган ишлари унинг ақли билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам инсоннинг кундалик амалий фаолияти ақлга бўйсуниши керак.

Ақл-заковат соҳиби иккита қарама-қарши фикрни эшитганда, ўз билимига асосланиб, пухта ўйлаб кўриши, ақл тарозиси ёрдамида ўлчаши лозим. Ана шундан сўнг ақл ҳукмига тўғри келадиган ва аниқ исботланган фикрни маъқуллаш зарур[12,153]. Бинобарин, шахс маънавий қиёфасининг шаклланиши, миллатимиз менталитети, халқимиз табиатидаги ижобий фазилатлар ихлос, эътиқод ва ибрат асосида юзага келиши ҳам сир эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ибрат категорияси шаклланиши ҳамда такомиллашувида аждодлар меросига ҳурмат, ундан ибрат олиш ва ихлос қўйиш, оила, ижтимоий муҳит, ота-она намунаси ва тарбия алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, шахсда ҳар қандай ибратнинг шаклланишида тафаккур, мушоҳада, кайфият ва ички кечинмаларнинг ботиний манбаи бўлган руҳият уйғунлиги устувор аҳамиятга эга эканлигини, бу руҳият маълум маънода шахс маънавий қиёфасини белгилаб бериши мумкинлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратеги яси Тош кент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.
2. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Тошкент: Шарқ, 1998.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2006.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981.
5. Очилова Б. Ихлосмандликка мерос ва ворисийлик уйғунлиги. – Тошкент, 2006.
6. Қаранг // Тафаккур. – Тошкент, 2003. – № 1.
7. Абу Наср Фаробий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2002.
8. Мирзиёев Ш.М.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2 0 1 7 .
9. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Юлдузча, 1990.
10. Насафий Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ. Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1995.
11. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент, 1990.
12. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1995.